

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Навоий, Улугбек, И.Каримов номидаги
Давлат стипендиялари танловининг биринчи босқичида номзод талабалардан талаб
қилинадиган ҳужжатлар рўйхати**

1. Деканат ва кафедра тавсияномаси;
2. Рейтинг дафтарчаси нусхаси (нусха факультет декани имзоси ва факультет муҳри билан тасдиқланади);
3. Илмий ишлар рўйхати;
4. Илмий (ижодий) ишлар аннотацияси;
5. Илмий мақолалар нусхалари;
6. илмий (ижодий) иш бўйича илмий раҳбар ва кафедранинг фикр-мулоҳазаси;
7. Паспорт нусхаси;
8. 2 донa 10x15 см ўлчамдаги рангли фотосурат
9. Талабанинг таржимаи ҳоли;
10. Қўшимча ҳужжатлар (Сертификат, фахрий ёрлик, мақтов ёрлиғи... *фақат ўқиши давомида эришилган ютуқлари инобатга олинади.*)

ТАҚДИМ ЭТИЛАДИГАН ХУЖЖАТЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

- **Деканат ва кафедра тавсияномаси.**
Деканат ва кафедра тақдимномаларида талабанинг ўқиши ва илмий фаолияти, жамоатчилик ишларида иштироки баён этилади, хулоса қилинади. тавсиянома кафедра мудирини томонидан имзоланади ва факультет муҳри билан тасдиқланади.
- **Талабанинг ўзлаштириш дафтарчасидан кўчирма.**
Талабанинг ўзлаштириш дафтарчасининг нусхаси олиниб, унинг (нусханинг) ҳар бир варағи декан имзоси ва муҳри билан тасдиқланган бўлиши шарт.
- **Илмий ишлар рўйхати.**

Талабанинг Ф.И.Ш. _____					
Таълим йўналиши шифри ва номи _____ гуруҳи _____					
№	Илмий (ижодий) иш номи	Ҳажми (бет ёки босма табоқда)	Мақола чоп этилган журнал, тўплам, газета		Ҳаммуаллифлар Ф.И.Ш.
			Номи	Санаси ва рақами	

- **Илмий (ижодий) ишларнинг аннотацияси.**
Аннотацияда илмий ишнинг қисқа ва ихчам таснифи келтирилади. Аннотация муаллиф томонидан ёзилади, муаллиф ва илмий раҳбар томонидан имзоланади.
Номзоднинг илмий мақолалари чоп этилган илмий журнал, газета ва тўпламларнинг нусхаси олинади ва илмий ишлар бўйича проректор томонидан имзоланади ва муҳр билан тасдиқланади.
- **Илмий иш раҳбари ва кафедранинг хулосаси.**
Номзоднинг илмий ишининг долзарблиги, ўрганилганлиги, мақсад ва вазифалари, изланиш услублари, муҳим натижалари ва истикболи бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилади. Илмий раҳбар ҳамда кафедра фикр-мулоҳазаларни алоҳида-алоҳида билдиришлари мумкин. Фикр-мулоҳазалар илмий ишлар бўйича проректор томонидан имзоланади ва муҳр билан тасдиқланади.

Эслатма: *Юқоридаги ҳужжатлар юқоридаги кетма-кетликда файл папкада жамланиб тақдим этилади.*